




ТОШКЕНТ ОҚҚУШО



ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 105 (9.297) 1999 йил 8 сентябрь, чоршанба Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжмасининг ҚАРОРИ

Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида

Давлат бюджетини ҳисобига маблағ билан таъминланадиган тармоқларда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш механизмининг такомиллаштириш, бюджет маблағларидан самарали ва аниқ фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маъжмаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 1 январдан бошлаб бюджет ташкилотлари харажатларини маблағ билан таъминлашнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин. У қуйидагиларни назарда тутадди:
 - а) бюджет маблағларидан тежаб, самарали ва аниқ фойдаланиш ҳамда бюджет интизомини мустаҳкамлаш учун бюджет ташкилотларининг раҳбарларининг мустақиллигини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш;
 - б) бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларни маблағ билан таъминлаш механизмининг соддаштириши ва бюджет маблағларидан фойдаланишда юқори натижаларга эришиш мақсадида мавжуд маблағларни оқилона тақсимлаш учун шарт-шароитлар яратиши;
 - в) бюджет ташкилотлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, улар фаолияти самарадорлигини ошириш ва кадрларнинг ўрнини олиши учун шарт-шароитлар яратиши.
2. Белгилансинки, янги тартибга мувофиқ бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш нормативлар буйича (фаолият турига кўра) харажатларнинг қуйидаги гуруҳларини бир сатрда маблағ билан таъминлаш усулида амалга оширилади:
 1. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (болали оилаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, стипендиялар ва бошқалар);
 2. Иш ҳақида қўшимчалар (Давлат инвестиция дастурини назарда тутилган аниқ рўйхатларга мувофиқ);
 3. Бошқа харажатлар.

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАЊБАЛАРАН ОЛИНГАН СЎЊТИ АХБОРОТЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

Мамлакатимиз Мустақиллигининг саккиз йиллиги муносабати билан республикамиз Президентини номига давлат раҳбарлари, хорижий сийбас арбобларидан табрик телеграммалари келиши давом этмоқда.

Матбуотда Ўзбекистон Республикасининг «Йул ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида» Қонуни мазъинда Қўзғолди.

Пойтахтдаги амалий Санъат музейида Ўзбекистонда Япония маданияти кунларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

«Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Ипак йўлида телебозор — 99» халқаро телевизион кўргазмаси ўтказилди. Унда дунёнинг 120 дан ортик мамлакатидан вакиллар иштирок этди. Кўргазмада АКШ, Буюк Британия, Франция, Германия каби кўплаб ривожланган мамлакатларнинг телекомпаниялари ўз махсулотлари билан қатнашди.

Фан ва техника давлат қўмитаси, Давлат илмий-техника ахборот фонди, республика илмий-техника кутубхонаси ёш олимлар миллий жамияти билан биргаликда «Илм-фаннинг мустақил Ўзбекистонда тугатган ўрни, тараққиёти ва роли» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

8—12 сентябрь кунлари республика Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки спорт мажмуида болалар ўртасида теннис бўйича БМТ Кубоги учун мусобақалар бўлиб ўтди.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг ҳозирги мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашининг йилги йилги ишларида мамлакатимизда эришилган ютуқлар, барқарорлик, бой маданий меросимиз Буюк Британия билан маданий-маърифий алоқалар ўзига хос тарғиб қилинаётгани таъкидланди.

Мустақиллигининг саккиз йиллик байрами арафасида Паркент туманида харидорнинг махсулот ишлаб чиқарадиган янги «Экото-М» деб номланган корхона ўз фаолиятини бошлади.

ЖАҲОНДА

Тожикистон парламенти мамлакатда навбатдаги Президент сайловини шу йилнинг 6 ноябрда ўтказиш ҳақида Қарор қабул қилди.

Польшада халқаро иқтисодий анжуман бўлиб ўтди. Унда минтақанинг унга яқин мамлакатларидан 600 дан зиёд вакил иштирок этди.

Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб сафарга чиққан АКШ давлат котиби Маллен Олбрайт дастлаб Миср Президентини Мухаммад Хусни Муборак билан учрашти. Мулоқотда томонлар Яқин Шарқда тинчликни қабар топтириш ҳамда Исроил билан Фаластин ўртасидаги келишмовчиликларни тинч йўл билан бартараф этишга оид масалалар ўзасидан фикр алмашди.

Япония ҳукумати Туркияда зилзила натижасида бошпанасиз қолганлар учун контейнер шаклидаги 500 та уй жўнатадиган бўлди. Бундай уйлар 1995 йилда Япониянинг Кобэ шаҳрида юз берган зилзила оқибатида уйсиз қолган аҳолига берилган эди.

Хитойнинг Чжэцзян вилоятида «Уэнди» довули оқибатида халок бўлганлар сони тобора ортиб бормоқда. Сўнгги маълумотларга қараганда ҳозиргача 133 киши қурбон бўлган. Жароҳатланганлар сони икки ярим мингдан ошиб кетган.

Миср Президентини Хусни Муборакка нисбатан суиксан оштираган кишининг шахси аниқланди. Мисрнинг Порт-Саид шаҳрида Хусни Муборакнинг автомобилдан фойдаланган қўл чиқариб омма билан саломлашаётганидан фойдаланган Хусайн Сулаймон пичок билан унга ҳужум қилган эди. Назарида Президентнинг қўли енгил яраланди. Жиноятчи эса ўша ернинг ўзида қўриқчилар томонидан отиб ташланди.

Исроилнинг субик бош вазирини Шимон Перес Исроил Жазоир билан халқ томонлама дўстлик муносабатлари ўрнатилишига тўғрисида қарар қабул қилди.

Ҳиндистонда танка қарши ишлатиладиган ракета синовдан ўтказилди.

Буюк Британия Японияда БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари орасидан жой берилиши ҳақидаги ғояни тўлиқ қўллаб-қувватлади. Буюк Британия Ташқи ишлар вазирини Робин Кук Токиода япон ишбилармонлари олдига сузлаган нутқида шуни маълум қилди.

Газетанинг шу сонига

БАЛЛИ, АЗАМАТЛАР



Кутқарувчиларимизни Туркия халқига кўрсатган ёрдамлари учун ҳамда ўз Ватанларига эсон-омон қайтиб келганлари муносабати билан қизгин табриқланди.

Кутқарувчиларимизнинг Туркиядаги ишлари тўғрисида маълумотлар бизга доимий равишда келиб турди, — дейди Ўзбекистон Фавқуллодда вазиятлар вазирлиги Бош бошқармаси бошлиғи вазири фақсини бажарувчи полковник М. Нуриддинов. — Улар Туркия халқи томонидан қизгин кутиб олинди. Кутқарувчиларимиз билдирилган ишонча яраша ҳалол ва самимий меҳнат қилдилар. Икки ҳафта мобайнида вайроналарни тиклаш ва медицина хизмати кўрсатиш юзасидан катта ишлар олиб борилди. Авария-кўтарув ишлари қўпичча кетма-кет тақрорланиб турган ер ости зарбалари ҳамда ёмғир остида олиб борилганлиги ҳам бизга маълум. Айниқса, кучли момақалдор қулайлиқ содир бўлган сув тошқини шароитида ишлаш пайтида кутқарувчиларимиз ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Бугун кутқарувчиларимиз Ватан тупроғига омон-эсон қайтиб келганларидан ва уларнинг таниш-билиш, оила аъзолари ёруғ юз билан кутиб олаётганларидан бениҳоя миннатдоримиз.

Энг муҳими, топшириқ аъло даражада бажарилди.

Ўзбекистон Республикасининг Сўратда: аэропортда кутиб олиш маросими.

Рустам Шарипов олган сурат.

КЕЧА

Бундан икки ҳафта муқаддам Туркиянинг Измит шаҳридаги йирик зилзила оқибатларига барҳам бериш учун жўнаб кетган ўзбекистонлик кутқарувчилар гуруҳи омон-эсон шахримизга қайтиб келди. Уларни кутиб олувчилар орасида Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги Фақуллодда ва Мухтор элчиси жаноб У. Алайдин ҳам ҳозир бўлди.

«Ил-76» ҳаво лайнери 21.15 да Тошкент аэропортига келиб қўнди. Чегара ва боғжона назорати кўригидан сўнг, биринчи бўлиб самолёт зинасида бўлиб Ўзбекистон Давлат Байроғини кўтарган кутқарувчилар гуруҳи бошлиғи полковник Т. Азимов кўринди. У Ўзбекистон Фақуллодда вазирлар вазири генерал-майор Б. Қосимовга буорилган вази-фа аъло даражада бажарилганлиги ҳақида рапорт берди. Шундан кейин Б. Қосимов кутқарувчиларимизни

МУСАФФО ОСМОНИМИЗДА ЯНГИ САМО ҚУШИ

Хушхабарнинг қаноти бор дейдилар. Чиннинг қаноти бор эди. Ўзбекистон ҳаво йўллари миллий авиокомпанияси яна бир янги самолёт билан бойлиди. Юртодошларимиз дастлаб Ўзбекистон телевидениесининг ахборот программаси эшиттирилари орқали бу янгилик билан танишиб, хайратга тушибди. Республикаимиз диёримизга келиб қўнган «Боинг-757» самолётидан бу сафар йўловчилар эмас, балки Арслон Рўзметов бошлиқ экипаж аъзолари тушиб келишди.

Тошкент аэропортга йўнгилган шаҳар жамоаси вакиллари ўқувчиларимизнинг янги парвоз ва янги ҳаво лайнери билан чин дилдан қутладилар. Ўзбек

уқувчилари яна бир янги замонавий тежаб техникалар билан жиҳозланган самолётга эга бўлдилар.

Албатта, Мустақиллигининг саккиз йиллиги тантаналари давом этаётган айни дамларда мусоффо осмонимиз узра янги «Боинг»нинг пайдо бўлиши барчани хушнуд этди. Олис Сизлардан 4 сентябрь кун маҳаллий вақт билан эрталаб соат 8.00 да кўтарилган само қўшимиз Нью-Йорк — Амстердам орқали пойтахтимиз Тошкент сари парвоз этди. Орадан 22 соат ўтгач, у Ўзбекистон пойтахтига охира келиб қўнди.

Само қўшига «Урганч» деб ном берилиши ҳам айни мuddа бўлди. Осмон узра парвоз қилган самолётда ортомизнинг қўна шахри номи йилтил-лаб кўзга ташланиб турса, кимнинг ҳам завқи келмайди, дейсиз.

Ниятимиз келажоги порлок республикамизда ана шундай зардаст самолётлар кўпайса дейдиз. Ҳаётларимизнинг унинг юмшоқ ўринли салонларида ҳеч қандай ҳавф-хатарсиз ўз манзилларига етиб олсалар дейимиз.

Шубҳасиз, шу ўринда мамлакатимиз раҳбариятининг бу борадаги иланиши ва ташаббусини қайд этиб ўтиш жоиз. Унинг мадади ва ёрдами билан миллий авиокомпания ҳозир учта «А-310» ва учта «RJ-85» самолётларга эга бўлди. Бугунги кунда ўзбек «Боинг»ларининг сони эса тўрттага етди. Бу эса «Ўзбекистон ҳаво йўллари»га йўловчилар учун ҳар томонлама қўлайлик яратишга ва уларга янада яхши хизмат кўрсатишга имкон беради. Эндиликда миллий авиокомпания байроғи остида 20 дан ортик хорижий мамлакатта ва МДҲ бўйича 30 йўналишда парвозларини амалга ошири-лаётганлиги фикримизнинг даллидир.

Ўз мухбиримиз.

Саноат

МУКАММАЛ ТЕХНИКАЛАР

Республикамизнинг қишлоқ ҳўжалигини замон стандартларига жавоб берадиган такомиллаштирилган техникалар билан таъминлашда «Тошкент трактор заводи» Давлат ҳиссдорлик жамиятидаги «Трактор» маҳсуе конструкторлик шўбаси муҳандис-техник ходимлари ҳамisha изланувчанлик ва яратувчанлик руҳида меҳнат қилмоқдалар. Қуйидаги яратилган энг янги техникалар ҳам шу ишдорларнинг меҳнат маҳсулидир.



ЮК Кўтариши ОШ-ДИ. Айни дамларда синовдан ўтаётган ТТЗ-100-КМ русумли тракторнинг юк кўтариш қучи қўшимча осма тизим ёрдамида икки баробар оширилди. Осма тизим ишлаш жараёнига таъсир кўрсатмайди. Тракторда ўрнатилган қўшимча икки цилиндр иш унуми ва самарадорлигини оширади.

ОРТАДИ, КОВАЛАЙДИ, ТЕКИСЛАЙДИ. Талайгина афзалликлари билан ажралиб турадиган ТТЗ-30 тракторини кенг қўламада ишлаш беришига универсаллаштириш борасида ҳам анчангина ишлар амалга оширилди. Олинган яратилган тракторларнинг ҳар бири алоҳида мўайин бир унумини бажарди. Янги техника эса биратўла 4—5 иш жараёнини бажаришга ихтисослаштирилган. Бунинг учун иш пайтидаги техника хавфсизлиги тўла таъминланган. Ҳозирги трактор — юк ортувчи қурилиш материаллари ва қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини уч метр баландликдаги усунналарга ортиш, кичик ҳажмида зовурларни қавлаш ва ерни текислаш ҳуусейнлаштиришга эга.


РЕЗИНА ЗАНЖИРЛИ ТРАКТОР «ТТЗ-100-К-10» русумли трактор асосида резина занжирли — узумзорларга ишлов беришига мўължалланган янги техника ўстидаги ишлар ҳам ниҳоятда қўлай. Трактор занжирли резинали бўлиши учун ишлов бериши пайтида ер қатламнинг жипслашувиға салбий таъсир кўрсатмайди, унуми ҳам юқори.

УНИВЕРСАЛ ТИРКАМА. Аўтомобил ва тракторлар учун тайёрланган ПАТС русумли ўзи тўқадиган тиркама ҳам талайгина қўлайликлари билан олдингилардан кескин фарқ қилади. Олинган тиркамалар фақатгина тракторларнинг юриш тезлигига мослаштириб тайёрланади. Яратилган янги тиркаманинг юк кўтариш ҳажми ҳамда исрофгарчилиқсиз экиш ва йиғиб-териб олиш демак-қилди. Юқоридаги янги техникалар яратишда «Трактор» маҳсуе конструкторлик шўбаси бош конструктори В. Никитин, бўлим бошлиқлари А. Шербаков ва конструкторлар И. Шинко ҳамда А. Янчуклар фаол қатнашдилар.

Хусан БАРАТОВ. СУРАТДА: кўчатирилган осма тизимли «ТТЗ-100 КМ» трактори.

на қўлайликлари билан олдингилардан кескин фарқ қилади. Олинган тиркамалар фақатгина тракторларнинг юриш тезлигига мослаштириб тайёрланади. Яратилган янги тиркаманинг юк кўтариш ҳажми ҳамда исрофгарчилиқсиз экиш ва йиғиб-териб олиш демак-қилди. Юқоридаги янги техникалар яратишда «Трактор» маҳсуе конструкторлик шўбаси бош конструктори В. Никитин, бўлим бошлиқлари А. Шербаков ва конструкторлар И. Шинко ҳамда А. Янчуклар фаол қатнашдилар.

Хусан БАРАТОВ. СУРАТДА: кўчатирилган осма тизимли «ТТЗ-100 КМ» трактори.



СЕССИЯ БЎЛИБ ЎТДИ

Бундан қашоқик халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўн учинчи сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг Президентини ҳамда Олий Мажлиси депутатлари сайловларини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари аъзоларига номзодларни Марказий сайлов комиссиясига тақдимлаш учун тавсия этиш масаласи кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасини Президентини сайлов тўғрисида» Қонунининг 4-моддаси ва 4-узбекистон Республикасини Олий мажлиси сайлов тўғрисида» Қонунининг 16-моддасига мувофиқ округ сайлов комиссияси аъзоларига номзодлар Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясига тавсия этилади.

Бўлиб ўтган сессияда Ўзбекистон Республикасининг Президентини сайловини ўтказувчи биринчи Тошкент шаҳар сайлов округи ва республика Олий Мажлиси депутатлари сайловини ўтказиш бўйича 25 та сайлов округларига номзодлар тавсия қилинди.

ШАҲРИМИЗ ТЕННИС

Юртимизда мустақиллигимизнинг саккиз йиллик тантаналари ниҳоясига етмасдан туриб яна бир халқаро нуфузли тадбирнинг гувоҳи бўляптимиз — санокли кунлардан кейин шахримизда теннис бўйича олтинчи Президент Кўшига халқаро мусобақалари ўтказилди. Дарҳақиқат, йилдан-йилга тарқиб кучайиб, нуфузи ошиб бораётган ушбу мусобақалар юртимизнинг спорт ҳаётини аллақачон мустаҳкам ўрнатди. Шу сабабдан мамлакатимизнинг қўп сонли теннис ишқибозлари ушбу мусобақаларнинг бошланғичини сабрсизлик билан ку-

тишмоқда. Албатта, биринчи ишқибозлари доимо спортнинг навбатда турнига қайси кучли теннисчилар келиши, уларнинг профессионал теннис ассоциацияси таснифидеги ўрни билан қизиқишарди. Бинобарин, олтинчи турнирда ҳам биз ҳамюртларимизга яхши таниш бўлган ва юртимизга илк бор таширф буюрадиган кўррава заминимизнинг энг кучли теннисчиларининг маҳоратларини баҳраманд бўлишимиз мумкин. Хусусан, Президент Кубоги ҳақида мусобақаларликда иштирок этиш истагини билдирган теннис юлдузлари орасида биринчи бўлиб россиялик «аски танишимиз» Евгений Кафельников ярқ этиб кўзга ташланади. Шу

ни таъкидлаш керакики, ҳозирда ПТА таснифи бўйича иккинчи ўринда бораётган ушбу спортчи шу йил Россия спорт тарихида илк бор бир қанча мuddат ер юзидеги энг кучли профессионал теннисчилар сафини бошқарди. «Ундан қолгани пуч» деганларидек, Президент Кубоги баҳсларида икки марта иккинчи ўринни эгаллаётган Кафельников албатта бу гал галаба учун бутун маҳоратини сарфлашига шубҳа йўқ. Бундан ташқари юртодошларимиз Буюк Британиялик теннисчилик урбасида илк бор халқнинг кучли ўғри Руседекнинг маҳоратидан баҳраманд бўлишлари мумкин. Бу йил Германиянинг

ЮЛДУЗЛАРИГА МУНТАЗИР

хизмати кундаги энг кучли теннисчилардан бири Николай Корфер ҳам шахримиз спорт тарихида галаба учун кураш олиб боради. Швейцариялик олимпия чемпиони Марк Россенни ҳам моҳирона ўйини ҳам турнирга жозоба бағишлайди.

Энг муҳими, «HANECO» фирмасининг қўли қўл усталарининг саъй-ҳаракатлари орқали бу йил «Юнусов» спорт клубининг кортлари янги замонавий қўлламақлар билан таъминланган маҳоратларини янада чарқлаб, чиройли галабалар сари етаклайди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

Вазирлар Маъжмасининг Раиси И.КАРИМОВ. Тошкент шаҳри, 1999 йил, 3 сентябрь.

Бандлик

КЕНГ ИМКОНияТЛАР ЯРАТИЛГАН

Аҳолини иш билан таъминлаш ва қайта ўқитиш, касбини ўзгартириш борасида Ҳамза тумани меҳнат органида кенг имкониятлар яратилган. Ушбу репортажни яқинда бўлиб ўтган «Бўш иш жойлари ва вақант лавозимлари» меҳнат ярмаркасида иштирок этган ёшлар, мутасаддиларнинг фикри асосида тайёрладик.

Дилафруз БОБОТОВА, иш қидирувчи: — Асли касбим тикуччилик. Шундай бўлсада замон талабидида касбини ўрганишни ўз олдимига мақсад қилиб қўйиб, ярмаркага келдим. Усмон Носир маҳалласида яшайман. Уаётган ярмаркада иштирок этганимдан гоёт мамнунман. Чунки шу ернинг ўзида муаммони ҳал бўлиб, ўқув марказига ўқишга йўлланма олдим.

Олия УСИБЕВА, «Сантехника жиҳозлари» акционерлик жамиятининг ходимлар бўлими бошлиғи: — Корхонамизга беш хил турдаги соҳа бўйича ишчилар керак. Улар режа иқтисод бўлимининг бошлиғи, муҳандис-конструктор, темирйўл назоратчиси, электрпайвандчи ҳамда кўприк-кран машинисти соҳаларидир. Бу соҳада меҳнат қилиш учун биз кўпроқ ёшларни жалб этаямиз. Ойлик маоши соҳага қараб 10.000 сўмдан оқори.

Сафо МАТЧОНОВ, Бобохон Салимов маҳалласи оқсоқоли, Ляля ВАЛИЕВА, меҳнат органи инспектори (ёшлар билан ишлашда иккиси алоҳида ўрнак кўрсатишмоқда): — Маҳалламизда 13.000 аҳоли бор, турли хил миллат вақиллари. «Ғалабанинг 40 йиллиги даҳасидаги 41 та уй бизга қарашли. Айни вақтда 30 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ва уларнинг ота-оналари билан алоҳида суҳбатлашиб ўқиш ва ишга йўлланма бераймиз. Бу борада Ляля-хоннинг хизмати алоҳида.

— Мен маҳаллага ҳафтада икки марта расмий равишда бораман, — дейди Ляля опа. — Ҳар гал ҳар бир уйнинг бошлиқларига меҳнат органидаги имкониятлар ҳақида маълумот бераман. Мана ҳозир ёшларимиздан 12 таси ўқув марказида турли касблар бўйича ўқишяпти, 15 тасини ишга жойлаштирдик. Маҳалла билан ҳамкорлик-


даги ишимиз анча фойда келтирмоқда.

Вера ҚОДИРОВА, меҳнат органи раҳбари: — Туманимизни беҳиз саноат тумани деб аташмайди. Мана ёшлар учун мақсус ташкил этилган меҳнат ярмаркасида 54 та ишлаб чиқариш корхонаси, 37 та маҳалла, 4 та лицей, 1 та бизнес мактаби ва ўқув маркази вақиллари қатнашиб, шу ернинг ўзида барча муаммолари ҳал этилди. Кимдир ишга, кимдир ўқишга қабул қилиниб, 9—11 синфни битирганлар алоҳида суҳбатдан ўтишди. Қисқа муддатда бирор хунарни ўрганишни истаганларга бепул ўқишга ўқув марказига йўлланмалар берилди. Ўғил-қизларимизнинг аксарияти 10 ёшгача бўлган ёшлардир. Биз бундан кейин бундай ярмаркаларни маҳаллалар ичида ўтказишни оқсоқоллар билан кенгашиб олдик. Бир кунлик ярмаркани ўтказиш жараёнида 1000 дан зиёд ёшларимиз иштирок этди. 700 нафари корхона вақилларига очик муурожаат этиб, турли маълумотларни олишди. 211 нафар ўғил-қиз ишга, 76 нафари ўқишга йўлланма олишди. Шундан ҳам билсак бўладики ёшларни ишга жалб этиш, уларни олтин ёшлик давларида беҳуда ўтказмасликларига оз бўлсада хисса қўшиб, муаммоларини ҳал этишга имконият ярата олганимиздан гоёт мамнунимиз. Хулоса қилиб айтганда, ёшларимиз ўртасида ҳамма жойда меҳнатга муносабат, Ватанга муҳаббат ҳис-туйғусини жўш урдириш борасида тарғибот ишларини янада кучайтириш лозим экан.

Гули АБДУЛЛАЕВА.

СУРАТДА: Ҳамза туманида бўлиб ўтган «Ёшлар: Сиз учун кенг имконият» деб номланган меҳнат ярмаркасидан лавҳа.

Рустам Шарипов олган суратлар.



Саноат

ЁШЛАР БИЗНИНГ ТАЯНЧИМИЗ

Вазирам Маҳкамасининг 1999 йил биринчи ярмидаги иқтисодий ислохотлар якунига бағишланган йилги иқтисодий таҳририят таркибиди яхшилаш, корхоналарни модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурий чора-тадбирлари ички амалга оширилатганини мамнуният билан таъкидлаб ўтилади. Бундай илҳобий муваффақиятларга эришишда, бозорларнинг асосий шартли бўлган рақобат муҳитини шакллантиришда Бектемир туманида жойлашган «Ирғидролам» заводи маъмуриятининг ҳам муайян ўз хиссалари бор. Чунки маъмур заводида маҳсулот ишлаб чиқариш суръати 157 фоизга ошганили билан бирга уларнинг турлари кўпайтирилиб, сифати ҳам катта аҳамият берилмоқда. Шу ўринда биз заводининг бош директори Бахтиёр Назаров билан корхонанинг кейинги истиқбол ва жамоа аҳлининг олдига қўйган мақсадлари хусусида суҳбатлашдик.

— Бахтиёр Қаршибаевич, корхонага раҳбарлик қилаётганингизга ҳали кўп бўлмасида,

маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда унинг сифатини яхшилашда муайян натижаларга эришибсизлар.

БУНЁДКОРЛАР ТУҲФАСИ

Мустақилликнинг саккизинчи йилининг ўтган даврида Миробод туманининг 300 га яқин бахтли оилалари янги уйларга кўчиб ўтидилар. Айниқса, Госпиталь даҳасида бунёд этилаётган дўзал ва замонавий уйлар соҳибларининг байрам кунлари қувончлари чекисиз бўлди. Бу ерда «Уйжойкурилиш» хиссадорлик жамиятининг 1-уй-жой куриш комбинати курувчилари томонидан бунёд этилган 80 хонадонга мўлжалланган 26-ҳамада 48 оилани ўз бағрига олувчи 33-уйларда бахтиёр оилалар байрам шодиёналари кунларида уй тўйларини нишонлашди.

Дилфуза ҒОҒУРОВА.

Тадбирлар

«ДИҚҚАТ, БОЛАЛАР!»

Янги ўқув йили ҳам бошланди. Бу эса албатта йўлларда ҳушёрликни оширишга эътиборни кучайтиришни тақозо этади. Шу муносабат билан Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган «Диққат, болалар!» тадбири бошланди. У 10 сентябрга қадар давом этади.

Ушбу даврда барча йўл ҳаракати иштирокчилари энг кичик либдаларга алоҳида эътибор қаратишлари жоиз. Зеро, биринчи синфга қандай қўйган минглаб олти ва етти ёшли болалар ҳали кўнча ва йўлларда мустақил ҳаракатланиш кўникмаларига эга бўлмаган ҳолда ўзларига катта эътибор қаратилишини талаб этадилар. Бошқа ўқувчилар ҳам, айниқса ёзда оромгоҳларда дам олганлар йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини ёдларидан чиқарганлар. Шу сабабдан ота-оналар кўнчилиш ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида ўз болалари учун олдиндан «уй-мақтаб-уй» хавфсиз йўналишларини ишлаб чиқишлари, бунда ушбу йўналишдаги энг хавфли участкаларни алоҳида ажратиб, болалар ушбу жойларда ўзларини

қандай тўғри тутишлари юзасидан таъбирлар беришлари керак. Уйлаймизки, бундай пайтда болаларнинг ёнида бўлган ҳар қандай киши уларни катта йўлда ўтказиб қўйиб шу орқали кўнчада ўзини тўғри тутишни кўрсатишдан оғринмайди. Тадбирни ўтказиш пайтида йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати хизмати ходимлари ва патрул-пост хизмати бригадасига машиналар кўп тўпланганидан жойларда бўлиб болалар иштирокида йўл-транспорт ҳодисаларининг вужудга келишининг олдини олиш тавсия этилди.

Вячеслав ТУТИН, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати бошқармаси тарғибот бўлими бошлиғи вазирасини бажарувчи, милиция подполковниги.

Меҳр-оқибат. Башар авлодини кўзга кўринган зийнат ҳам шу. Аммо у шунчалар шаффоқки, салга хира тортиши мумкин.

Шаҳримиздаги 72-йўналиш билан қатновчи автобус галдаги бекатда тўхтади. Биров тушган, биров чиққан. Ҳар ким ўз ташвишга андармон. Йўловчиларга чипта берувчи аёлнинг огоҳи яна қўлқоқа чалинди: — Давайте за проезд! Йўловчилар пул узатиб чипта олишар, айримлари ойлик йўл карточкасини кўрсатишди. — Икки сўм етмаёвдими, майлими? — олдинги ўриндиклардан биримда ўтирган аёл чипта сотувчига ялингансимон қаралди. — Нет, вы должны заплатить полностью. Чипта сотувчи йўловчининг ўтиришга қўлқоқ ҳам солмади. Гарчанд у ўзбекча гапириниб билмасида, тушунади шекилли, дех йўловчи аёл кескироқ оҳанда. — Тушунасизми-чи, бошқа пулим йўк! Невазарам сўз олиб бердим, бўлмаса стариди! — дех вазириятти юмшартқанда уринди. — Нет, я ничего не знаю. У меня план 10 тысяч. И так надоелте эти бесплатники! Айташув тобора авжига чиқар, хорғин қиёфада ишдан қайтаётган йўловчилар бири қўйиб, бири гапирётган аёлларга томошабин эдилар. Жанжал бор жойда томошагалаб кўнчдилар. — Неужели ты не понимаешь? — йўловчи аёл ҳамон ўз ҳолатини қондуқторга тушунтирмоқчи бўлар, ҳамманинг диқ-

Бу муваффақиятларга эришишнинг ўзи бўлмагандир?

— Албатта муваффақиятлар замирида аввало тинимсиз изланиш, меҳнат ҳамда жамоадгиларнинг ўз ишига бўлган садоқати ётади. Шу жумладан уларнинг ишга бўлган муносабати кескин ўзгарди. Чунки биз уларга тушунтириш ишлари олиб бориб, ана шундай натижаларга эришдик. Масалан, авваллари билмасдикки, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар қаерларга сотилишини. Энделикда эса улар бу маҳсулотлар Мустақил Ўзбекистонимизнинг яшнаб-гуллаши учун ишлатилаётганлигини билишди. Бунинг натижасида ўтган йили омборларимизда 64 миллион сўмлик маҳсулот қолдиғи бўлса 1999 йилга келиб бу қўрсаткич 14 миллион сўмни ташкил этмоқда.

— Бугунги кунда маҳсулотларга бўлган талаб қандай? Унинг турлари хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

— Корхонамиз асосан сув иншоотлари, ностандарт ускуналар, металл конструкциялар ҳамда технология жиҳозлар ишлаб чиқаради. Масалан, пўлат ва чўян лугундонлар, дискли чўян танба, шохобча ва гардишлар, газ босими регулятори, клапанлар, чўян қопқоқлар шулар жумласидир. Яқиндан бошлаб Урганч Экскаватор заводида экскаваторлар учун 40 дан зиёд эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқара бошладик. Шу сабаб ҳам маҳсулотларимизга буюртма берувчилар кўп. Биз кўпроқ ўзимизнинг ички бозордаги ушбу маҳсулотларга бўлган талабни қондиришмоқдамиз.

Заводиимиз қошида қўшма корхоналар барпо этиш борасида ҳам талай ишларни амалга ошириб, бўш тур-

ган майдонларда ишлаб чиқаришни ташкил этдик. Шунингдек буюртмачи ҳам ашёсидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйганмиз.

— Корхонанинг кейинги истиқболлари тўғрисида нималар дея olasiz?

— Корхонамиз яқин кунларда акционерлик жамиятига айлантирилмоқда. Бу ўз-ўзиндан янги имкониятлар яратади. Айни чоғда Россиянинг «Сувмеханизация» очик турдаги акционерлик жамияти билан ҳамкорликда қўшма корхона тузиш ҳақида музокаралар олиб бормоқдамиз. Улар бизнинг 50 фоиз акцияларимизга эга бўлишди. Агарда ушбу режаларимиз амалга ошадиган бўлса маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳам бир қатор ўзгаришлар содир бўлиши мумкин.

— Ишчиларга қандай шароитлар яратилган?

— Ишчиларимизнинг асосий қисми ёшлар. Биз уларга таянаемиз. Шу сабаб ҳам уларга имкон қадар шароит яратиб, ижтимоий муҳофаза қилишга доимо тайёрмиз. Агарда яшаш шароитлари йўқ бўлса, ётоқхоналардан тезда жой ажратиб бериб, имкон қадар ёрдам бермоқдамиз. Мана сўнгги ярим йилликда ўртача ойлигимиз 11,5 минг сўмни ташкил этди. Бу ҳам бошқа ташкилотларга нисбатан анча яхши кўрсаткич. Ходимларимизнинг фарзандларини боғчаларга жойлаштиришда, дам олиш оромгоҳларига йўлланмалар беришда ҳам баҳоли қудрат ёрдам бериб келмоқдамиз. Албатта уларнинг хурсандчилиғи ишимизга унум бағишлайди.

Суҳбатдош Очил ҲАЗРАТОВ.

Янги уй шодиёнаси

Инсон ҳаётида қувончли дамлар кўп учрайди. Бирок, уй-жойли бўлгандаги қувонч уларнинг ҳеч бирига тенг келмайди. Ўтган йили Юнусобод тумани Шаҳристон бекати, Обид Зокиров кўчасида бир нечта уйлар учун ертўла қазилган эди. Бугунги кунда бу ерда ҳовли ва бошқа қўшалок тўйларга ҳозирлик қўрилмақда. Уйларнинг тез ва қўрқам қад кўтаришида «Ўзйўлжам-фармабанк» асосий роль ўйнади.

— Қувончларим бир олам эканлигини сизларга сўз билан таърифлай олмайман, — дейди 1-уй,

тиллари университетига ўқишга кирди. Бу ҳам қувончимизга қувончидир. Байрам кунда келинларим, қизла-

қутлайман. Уй олиш таралдуида юрганларга омад тилайман. Бу йил шаҳримизда бу-

ҚУВОНЧЛАРИ БИР ОЛАМ

49-хонадон соҳибаси Шодмоной опа Қўлдосева. — Турт фарзандим бор. Аввало мустақилликка эришганимиз боис кўп имкониятларга эга бўлдик. Мана шу банкнинг тузилиши ва унинг ёрдамида бизга ўхшаганларнинг эркин уй-жойли бўлиши ана шу мустақиллик меваси деса алашмайман. Мана янги уйга кўчиб келишимиз билан қизим Дилдора Жаҳон

рим, қувём, қўла-андалар жамул-жам бўлиб, ҳовли тўйи шарофати билан тўкин дастурхон атрофида тўпландик. Мен шу кунларга етиб келганимдан, мустақил она юртим ҳавосидан нафас олиб, тинч-тотув яшаётганимдан фахрланаман. Бу йилги Аёллар йилида менга ўхшаб уй-жойли бўлган барча аёлларни қўш байрам — янги уй муборак, мустақиллик шодиёнаси муборак, деб

нёд этилган 4, 5, 9, 12 қаватли уйларнинг айримларида жумладан, Мухбир кўчасида қад ростлаган уйлардан 300 хонадон, Миробод туманида 280 хонадон, Ҳамза туманида 84 та хонадон тузилишининг ҳовли тўйларини ўтказдилар. Гулбахор МҸМИНОВА.

СУРАТДА: Шодмоной Қўлдосева оила аъзолари билан.



ЛУҚМА ИККИ СЌМ

ёки икки аёлнинг автобусдаги можароси хусусида қати қаратилганидан хижолат ҳам бўлаётгандек эди. Иккни йўндриб бўлармиди? Афсуски, чипта сотувчи аёл ҳам айтган жойидан кесадиганлар тоқфасидан экан, бобиллашдан тинмасди. — Ҳайовон! Сен одамимсан? Сени тушунади деб дардимни айтибман... Йўловчи аёл ҳам очикдан-очик ҳақоратга ўтди. — Ты не имешь право выйти на автобус! Давай выходи! — «Ҳайовон» сўзини эшиттач чипта сотувчи аёлнинг ҳам қони қайнаб кетди. Жаҳл қичса ақл қочар, деганлари шу бўлса керак-да. Чиптач аёл жазаватга тушиб, «душмани»га ташланди. Автобусдагиларнинг ҳам ҳай-ҳайлашга қарамай, у бор кўчини ишга солиб, ҳалиги хотинни автобусдан туширмоқчи бўлар, аммо у ҳам осонтинга таслим бўлиши келмасди. Хотинлар жанжаллашмасин. Уларни муросага келтиришнинг ўзи бўлмайд... Яхшиямки, эркаклар орага тушиб, йўловчи аёлни рақиб қанғалидан тортиб олишди. Автобус ногоҳон қаттиқ

Тошкентда тайёнган ЖАҲН БОЗОРАГА ЙЌ!

Пойтахтда фаолият кўрсатаган корхоналарда ишчиқарилаётган сифа ва рақобатбардор, хон андозавари даражага тўла жавоб беради маҳсулотлар жа бозори юзини кўрмоқбу. Албатта мустақил ша-рофатида, «Кенота тайёрланган» амалга келган экспортни қарши-лаётган маҳсулотни тайёрлашда, қимизни жаҳон бозори идрларига тапотишпадбир-корлик ва ишбўямлиқ билан иш юрётгани, бозор иқтисоти ша-рот-шароитлар тўғри тушуниб янги-и мах-сулот турлар ишлаб чиқаришга иштирган жамоаларнинг эссалари салмоқли бўлма.

Шаҳримизда «Файз» холдинг компания, «Узэлектроаппарат», «Абель» хиссадорлик жатлари, «Растр», «Супекстил», «Диенвиде» кўшорхоналари ва бошқа жам-моаларнинг бу радаги саъй-харакатлари бира-дири. «УзАбель» садор-лик жамиятининг «Абель» маҳсулотлариғарижада ҳам талаб қучли у боис ҳам корхонанинг фозиз-дан ортик махсултури экс-портга жўнатилмс. Фақат замонавий, юксунмили технология билан қозан-ган «Супертекст» қўшма корхонасининг каа иплари-га, «Растр» қўш корхо-насининг рангли маа мах-сулотларига ҳамт элда қизиқиш катта.

Шаҳримиздаги «Янги» қўшма корхонасини ян-дан келтирилган и даст-гоҳлар билан жианган. Бу ерда тайёрлаётган аёллар: эркаклар бола-ларнинг бежиримбосла-ри жаҳон андозаи дара-жасига тўла жавбериди. 180дан ортик ишизмат-чи меҳнат қилаёчи ушбу қўшма корхона зирлар Маҳкамасининг зорига асосан мамлакатида экс-портга мўлжаллан, экс-порт ўрнини боси мах-сулотлар ишлаб эришга мўлжалланган дав инвес-тицион лойиҳасигаритил-ган. Ҳозирда бу е куни-га 2200 дона қсулот тайёрланади ва асий мақ-сад уларни Америка бош-қа Европа давлати бозори-га олиб чиқиш. Кор-хонада 50га яқинурдаги трикотаж махсулотни фақ-ат юртимиз хом аси хи-собига ишлаб чилимоқ-да. Шу кунгача чэл бол-зорига 500 минг Ш дол-ларлик махсулот қарил-ди.

Шуни алоҳида тидлаш лозимки, чет эл телогия-сини мукамал ўзтириб олган корхона чрлари учун яхши меҳнатариот-лари яратилган. Ҳ меҳ-натларига яраша ратлан-тирилади ҳамда доладил-лар. Корхона устала томо-нидан Аёллар йига ба-ғишлаб чиқарилганжирим либослар ҳам харорлар-ини мамнун этиши, бҳасиз. Ушбу корхонанинг тимиз-да муваффақият бин фао-лият кўрсатаётганинг асо-сий боиси Ўзбекиндаги чет эл инвесторлага яра-тилган яхши шароитнинг ҳамда мамлакатнинг бебаҳо хом ашё қсулот-ларига бойлиғидир.

Шарифа ЙСОВА.

ОЗОДАЛИК — ЎЗ ҚЌЛИМИЗДА

Кўча-кўйда, кўп қаватли уйлар атрофидаги ахлат чикиндиларни уюлиб ётгани ва унинг олдида бир қанча болалар ўйнаётганини кўриб, кўнглим хира тортиди. Бу нарсаларни кўриб бу жойларда яшайдиган одамларнинг шунчалик атроф-муҳитга, фарзандларининг соғлиқларига бе-фарқ бўлишлари мумкин-ми, деган савол мени ўйлантириб қўйди. Одамлар бирин-кетин ахлат ташлагани чиқадилар, ахлат қутиси бўш турибди, унинг олдида биров чиқинди бор, одамлар бу қути олдида боришдан ирганиб, уч метр узокликдан туриб ахлатни ерга тўки-шади. Бунга фарзандлари кўриб, худди шуни так-рорлайдилар. Бу ҳам ет-маганидек, ўз чикиндилари-ни биз ичадиган Бўзсув каналига ҳам ташлайдиган «қаҳрамонлар» топилди. Нега бундай қўлпаясизлар, деб сўрасак, улар ҳокимиятнинг, уй-жой коммунал бошқармасини айблашади. Уларнинг санитария қои-даларига риоя қилишлари керак эканини хаёлларига ҳам келтиришмайди.

дан ташқари шох-шабба, уйларини таъмирлашдан қолган қоқдиқларни ҳам ташлашади. Шунинг учун қутилар тез тўлиб кетишига сабаб бўлади. Ҳозир ҳамма ўзини-ўзи маблаг билан таъминлайди. Сарф-хара-жатга кетадиган қўшимча маблагни жамлаш учун Улуг-бек шаҳарчасининг аҳолиси ўз вақтида уй-жой (кварт-лала) пулини тўлашлари ке-рак. Ана шундангина биз ре-жалаштирган қўлай ва сани-тария қоидаларига мос ке-лувчи атрофи ёпиқ ахлатхо-наларни куришимиз мум-кин.

Оқсоқолнинг сўзларидан кўриниб турибдики, «Қарс икки қўлда чикади» деган доноларимиз фикрича ба-маслаҳат иш юритилса, ҳар қандай муаммолар ечилиб кетади. Бунинг учун ҳар би-римизнинг қалбимиздаги эътиқодимиз, яшаб турган маҳалламизга меҳримиз юк-са бўлмоғи керак. Шу ўрин-да бир савол туғилади: «Ни-ма учун атрофимизни, яшаб турган жойимизни ўзимиз озода ва покиза сақлай ол-маймиз? Качонгача кўча ва уй атрофларини бошқалар тездаб бериши керак? Ни-ма учун Болтиқбўйи давлат-ларида уй атрофини гуллар билан безатишди-ю бизда ҳеч бўлмаса тозалаб ўти-ришмайди. Албатта, саран-жом-сарилталик барчамиз-га хос фазилат бўлса, айниқса ёшларимиз бу бо-рада жиддий ўйлаб куриш-са менимча яхши самара бериши аниқ, деб ўйлай-ман.»

Чарос НИШОНОВА.

— Ахлат ташувчи маши-налар ҳар куни келиб чи-қиндиларни тозалаб олиб кетади. Бирок, аҳоли ах-лат қутиларга чикиндилар-

Хулқар ТҸЙНОВА.

Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

КЎЧМА СОВРИН — МИРОБОДЛИК ФУТБОЛЧИЛАРДА

Оммавий равишда соғломлаштирувчи спорт билан шуғулланиш ҳаётимизнинг барча жабҳаларига кириб бораётгани кўзга кўринади. Ҳозир шаҳримиздаги қайси қорхонага борманг, ишчи ва хизматчилар бўлиқларида футбол, стол теннисни ёки теннис билан шуғулланаётганини кўрасиз. Ҳар хил тармоқлар ўртасида ўтказиладиган қизиқарли турнирлар ҳам хайри анъана тусини олмақда.

Куни кеча шаҳримиздаги «Чилонзор» уйингоҳида футбол бўйича яна бир қизиқарли мусобақа бўлиб ўтди. Яқна тартибдаги уй-жойларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш Тошкент шаҳар бошқармасининг ташаббуси билан ташкил этилган ушбу мусобақаларда барча туманлар уй-жойларни назорат қилиш бўлимидаги жамоалари учта гуруҳга бўлинган ҳолда ўза-



ро куч синашишти. «А» гуруҳида тўртта команда бўлгани учун Шайхонтоҳур ва Миробод, «Б» гуруҳидан Юнусобод, «В» гуруҳидан эса Яққасарой жамоалари барча рақибларини енгиб, ярим финал баҳсларида йўлларини олишти. Кескин беллашувларда яққасаройликларни енган Шайхонтоҳур жамоаси ва Юнусободликларнинг доғ-доғ қолдирган Миробод командаси финалга чиқди.



Кўп сонли томошабинлар иштирокида ўтган финал баҳси ҳам кескин ва муросасиз кечди — яққасаройликлар галаба учун бор куч-ғайратларини сарф этишти. Миробод тумани футболчилари ҳисобни очилган бўлса-да рақиблари қаторасига 2 та тўп киритиб, олдинга ўтиб олишти. Бироқ уйин охиридаги миқдордаги рақиблар билан мусобақа натижаси мусабаканинг ҳисоби тенглаштиришга муваффақ бўлишти. Мусобақа натижаси кўра ўтказилган кўшимча вақтда эса Мирободликлар учинчи «олтин» гольдини киритишти, турнир фоли-

Билиб қўйган яхши ЎЗ ТАЪРИФИГА ЭГА

Бироз ҳолдан тойиб, бошимиз айлansa, қонинг камайиб кетган, витаминли нарсалардан қўпроқ егин дейишади. Витаминлар нима ўзи? ВИТАМИНЛАР организмнинг нормал моддалар алмашинуви ва ҳаёт фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлган биологик фаол органик бирикмалардир. Бу витаминларнинг киши саломатлиги ва оқватланиши учун зарур бўлган фақат 20 тури муҳим аҳамият касб этади. Улар лотин алифбосининг бош ҳарфларида белгиланади. Мана уларнинг тафсилоти:

КАМТАРИН ИНСОН



Дунёда шундай инсонлар бўладики, улар буюк ишларни амалга оширмайдилар, оламшумул иштирабдилар, лекин ўзларининг камтарлиги, касбига содиқлиги, ҳақ, маҳалла-кўй хизматида ҳамини шай турини билан эл-юрт хурматида сазовор бўладилар. Шундай одамлар хуСУСДА гап борганда беихтиёр кўз ўнгимда Абдуға ака Фуломов пайдо бўлади.

Унинг касби оддий. Тажрибаси оз эмас, кўп эмас 42 йилни ташкил этади. Шу йиллар орасида у сидқидилдан халққа хизмат қилди. Унинг дастурхонини тўқин қилиш йўлида елиб-югурди, изланди. Касбдошлари Абдуға ака ҳақида гап борганда уни ҳалол ва софдил дейишади. Бу хислати ҳақида қатор мисоллар келтиришади. Мана улардан бири. Бир куни дўкондан маҳсулот харид қилаётган Руқия исми аёл ҳаёл билан пештахта устида пулли сумкасини унутиб қолдиради. Абдуға ака сумкани беҳосдан кўриб қолди, нотаниш аёл орқасидан югуради. Лекин гавжум бозор кўйида излаган одамни топмайди, орқага қайтади. Кейин у омонатни гувоҳлар кўз ўнгида бирма-бир санаб, сумкага қайта жойлайди-да, уни темир сандиққа ташлаб қўяди. Аёл эртасига хомуш дўконга кириб келади. Кечирасиз, мабодо кеча сумкамни шу ерда унутиб қолдирмабманми? — сўрайди у ийманбигина. Абдуға ака кулиб омонатни эгасига қайтарди. Аёл меҳрибон сотувчига раҳматлар айтади. Бундай воқеаларни Абдуға ака Фуломовнинг кундалик иш фаолиятидан қўлаб келтириш мумкин.


СЕРҚИРРА ИСТЕЪДОД СОҲИБИ

Иоган Герман Цукерторт миллати немис бўлиб, (1842—1888) 45 ёшида шахмат тоғига асосий талаботлардан бири эди. Аммо унга жаҳон чемпионлиги nasib этилди. Биринчи расмий баҳсда Цукерторт Штейнцга ютқазиб қўйди. Шунга қарамай, барибир Иоганнинг номи шахмат тарихида абдий қолди. Истеъдодли шахматчи ақолиб шифкор, филолог, кўзга кўринган мусиқачи, бир қанча тилларда ўз она тилидек гаплаша оладиган киши эди. У айниқса, ту-

Шахмат оламида

лашиб, уни чала бошлади. Концерт муваффақиятли ўтади. «Нью-Йорк таймс» газетасининг мусиқа танқидчиси ва шахмат шарҳловчиси Гарольд Шинбергнинг шахмат беришича, Цукерторт XIX асрнинг машҳур мусиқа педагогларидан бири Игнац Мальелеснинг шогирди эди. Иоган Цукерторт шахматни ўз касблари ичида биринчи ўринга қўйди. У шахмат санъатини ҳақиқий фан деб ҳисоблади. Ҳа, гроссмейстер танлаган ҳаёт йўли унга катта шуҳрат келтирди: тирлиқлидаёқ ўзига ҳайкал қуриб кетди.

Дилхуш машқлар



Иккала масалада ҳам оқлар бошлаб, икки юришда қораларни мот қилади.

ҒОЛИБЛАРГА БМТ КУБОГИ ТОПШИРИЛАДИ



Диққат, янгилик!

Кейинги пайтларда теннисни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Зеро, энг оммавий ушбу спорт турининг инсон саломатлиги учун аҳамияти ниҳоятда катта. Шунинг учун билан таъкидлаш жоизки, бугун шаҳримиздаги Ўзбекистон Республикаси Миллий банки спорт мажмуасининг теннис кортида илк бор болалар ўртасида теннис бўйича БМТ Кубоги мусобақалари бошланади. БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Ўзбекистон теннис федерацияси ташаббуси билан ўтказилаётган ушбу турнир ўсимлар ўртасида теннисни янада ривожлантириш ва келгусида Ўзбекистон терма жамоаси тарихидан ўрин олиб, нуфузли халқаро му-

ПЕШҚАДАМ АНИҚЛАНДИ

Август ойининг бошида Ҳамза туманидаги 46 та маҳаллада ташкил топган футбол командалари ўртасида «Камолот» жамғармаси кубоги учун мусобақалар бўлиб ўтди. Беллашувлардан сўнг учта команда финал мусобақасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Кеча ғолиб қолган команданинг раҳбарлари ўзaro куч синашдилар. Бунда биринчи ўрин Усмон Носир маҳалласи футболчиларига насиб этди. Гулбаҳор МҮМИНОВА.

«Ишонч телефони» хизматингизда ЭШИТИШГА ҲОЗИРМИЗ

Ишонч ҳар бир кишига ўзгача куч-қувват, яхши кайфият баҳш этади. Шу боис ҳам «Ишонч телефони» орқали газеталаримизнинг фикр-мулоҳазаларини, тақлифларини ва айрим муаммоларини тинчлар эканлиги, шунинг билан уларнинг ишончлиги қозонишга имконият бўлади. Шунинг билан кўнглини кўтаришни асосий вазифаларимиздан деб биламиз. Юртимизда Истиқлол байрами нашидаси кезиб юрганини ушбу кунларда жуда кўпчилик муштарийларимизнинг кўнгли-роҳларини ҳам яққол сезиш мумкин.

— Пойтахтимизнинг бош майдони — Мустақиллик майдонида тўлаб ўтган Истиқлол танталарини телевизор орқали томоша қилар эканман, беихтиёр кўзларимга қувонч ёшлари келди, — дейди Ҳамза туманида яшовчи онаҳонимиз Саодат аз Турдиева телефон орқали барча ҳамшаҳарларимизни энг улуг, энг азиз байрам билан кутлашимизни илтимос қилар эканлар. — Олдимда ўтирган фарзанд ва набираларимга эса қайта-қайта «Каранглар, чинданам Мустақиллик — буюк неъмат» деб такрорладим. Президентимизнинг табриги, санъаткорларнинг чиқишларида акс этган тарихимиз, бугунимиз, Истиқлолимизни авайлаб-асрашга ундагучи хатти-ҳаракатлар, майдоннинг байрамона жамоли бир ўзбек аёли сифатида қалбимни фахр-ифтихорга тўлдирди.

Миробод тумани Сарикўл маҳалласидан кўнжор қилган Хурсаной опа Ава-

«Ишонч телефони» хизматингизда ЭШИТИШГА ҲОЗИРМИЗ

зува ҳам байрам таассуротларини тўқиниб олиш изҳор этдилар: «Истиқлолимизнинг нақадар улуглигини ёшларимиз онига сингдиришда биз маҳалла фаоллари ўрнат қўрсатмоғимиз лозим. Шу боис байрамга алоҳида тайёргарлик кўрдик. Кўчаларимизни, хонадонларимиз атрофини саранжом-сарихта қилдик. Таътил кунлари бўлгани учун ўғил-қизларимиз ўртасида турли спорт мусобақалари, озодлик, чеварлик кўрик-танловлари ўтказдик. Байрам кунларида эса барча ғолибларга совғалар топширдик. Бу ҳам албатта, эркинлигимиз, мустақиллигимиз тўғрисида юзага келадиган имкониятларимиз шарофати, тикланаётган кадриятларимизнинг ёрқин кўринишидир».

Албатта, кўнжор орқали эшитилаётган бундай дил изҳорларини тинглаш кишини завқлантиради, илҳомлантиради. Аммо баъзи ҳамшаҳарларимизнинг шаҳримизда учраб турган баъзи бир нохушликлар ҳақидаги кўнжорларни ҳам кишини беварқ қолдирмайди. «Кўйлик» бозорининг бунёд этилиши, мана Мустақиллик байрами кунларида «Кўйлик» кўпригининг фойдаланишга топширилиши ҳамшаҳарларимизга жуда катта қўлайликлар яратганидан мамнунмиз, — дейди ўзини Гулсара Очилова деб таништирган муштарийимиз. — Лекин ўтган йили фойдаланишга топширилган ер ости йўли одамларга қўлайлик ўрнига ноқўлайлик

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ИСТИКОМАТ ҚИЛУВЧИ ФУҚАРОЛАР ВА ИШГА ЁЛЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!!!

Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Бозор мусобақалари жараёнида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида Тошкент шаҳар меҳнат аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий химоя қилиш бош бошқармаси фуқаролар ва ишга ёлловчилар томонидан ишга ва ишчи қўлига бўлган талаб ва тақлиф масалаларини ўрганиш, шу ишларни ташкил этиш мақсадида уйда хизмат кўрсатиш учун:

- энага;
- тарбиячи;
- уй хизматчиси;
- ботиб

қабил мутахассисларга бўлган эҳтиёж ва тақлиф тўғрисида шаҳар меҳнат аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий химоя қилиш бош бошқармасига ва туман меҳнат бўлиmlарига мурожаат этишингизни сўраймиз.

Ишга ёлловчи ва ишга ёлловчиси фуқаролар ўртасидаги иш ҳақи миқдори ўзаро келишув асосида ҳал қилинади.

Мурожаат учун манзил ва телефонлар:

Меҳнат ташкилотлари номи	Манзили	Телефони
Меҳнат аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий химоя қилиш бош бошқармаси	Мовароуннаҳр кўч., 33-уй	136-00-25 136-30-40
А. Икромов туман меҳнат бўлими	Чилонзор мавзеси 22-қават, 7-уй	74-44-57 74-58-91
Бектемир туман меҳнат бўлими	Х. Бойқаро кўч., 4-уй	195-02-93
М. Улугбек туман меҳнат бўлими	Гоголь кўч., 38-уй	133-37-23 136-36-55
Миробод туман меҳнат бўлими	Т. Шевченко кўчаси, 64-уй	54-46-69 54-46-31
С. Раҳимов туман меҳнат бўлими	Қорасарой кўчаси, 269-уй	48-53-78 48-43-50
Сирғали туман меҳнат бўлими	Спутник-1, 42-уй	57-58-41 58-08-95
Ҳамза туман меҳнат бўлими	М. Ҳасанова кўчаси, 2-уй	96-33-40 96-49-40
Чилонзор туман меҳнат бўлими	Фарҳод кўч., 10-уй	76-19-97 76-77-99
Шайхонтоҳур туман меҳнат бўлими	Марказ-14 мавзе, 17-уй	144-59-13 144-57-36
Юнусобод туман меҳнат бўлими	Ж. Обидов кўчаси, 8 б-уй	35-33-71 35-05-13
Яққасарой туман меҳнат бўлими	Бобур кўчаси, 33-уй	54-66-38 54-46-31

Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва уларни қўллаб-қувватлаш фонди, «DAVIY NASHRLAR» матбуот тарқатиш агентлиги, «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ олами» нашриёт уйи, «Матбуот тарқатувчи» хиссадорлик компанияси манфаатдор ташкилотлар эътиборига шуни етказди:

18 сентябрь кунин Сайилгоҳ кўчасида «Матбуот — 2000» деб номланган реклама тадбири ўтказилди. Унда иштирок этиш учун талабномадор 14 сентябрга қадар куйидаги манзилда қабул қилинади: Мустақиллик майдони 5/3. Телефонлар: 139-18-27, 139-17-54, факс: 139-14-80.

«ТОШКЕНТ ОҚШОНИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, туғилар, юбилейлар муносибати билан кутловларни, никоҳ эълонлари ва ишга ухшаш эълонларни ўз саҳифаларида берилади.

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09.

МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.

Юнусобод даҳаси 8-мавзеда жойлашган 5 хонали уй (2-қаватда) СОТИЛАДИ

Телефон: 137-65-10.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилими: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис: Тошкент шаҳар ҳоқимлиги

Телефонлар: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39, факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиmlарига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-0715. Босмага топшириш вақти 11.30. 1 2 3 4 5 6